Иситиш тизимини мукаммал таъмирлаш ишларини бажариш бўйича
2 - сонли пудрат

**ШАРТНОМА**

**2022 йил « 24 » июнь** Уйчи тумани

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган **Уйчи туман ХТБ** номидан низом асосида иш кўрувчи **М.Мўминов** бир томондан ва кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритиладиган **"Уйчи Бунёдкор Қурилиш Дизайн" МЧЖ** номидан **Р.Расулов** иккинчи томондан Ўзбекистон Республикасининг «Давлат харидлари тўғрисида»ги **2021 йил 22 апрелдаги ЎРҚ-684-сонли** қонун талабига асосан пудрат шартномасини туздилар

**I.Шартнома предмети**

1.Пудратчи мазкур шартнома бўйича «Буюртмачи» тасарруфидаги **10-мактаб биносининг иситиш тизимини мукаммал таъмирлаш** ишлари мажбуриятини олади Буюртмачи эса Пудратчига шартномага мувофиқ объектларни Мукаммал таъмирлаш учун зарур шароитлар яратади, бажарилган ишларни қабул қилиш ва қонунчиликда белгиланган тартибда тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

**II.Умумий шартлар**

1.Бажарилган ишлар далолатномаси (Ф-2) лимитларга ёки бошқа харажатлар Пудратчи ва Буюртмачи билан ўзаро тасдиқланган (Ф-2, Ф-3) асосида хисобга олинади хамда тўлов учун тақдим этилади.
2.Хизматларни бажариш учун Буюртмачи Пудратчига иш майдонини ўз вақтида бўшатиб беради.
3.Бажарилган ишлар далолатномаси хар ойнинг 28-кунигача Пудратчи томонида Буюртмачига тақдим этилади ва Буюртмачи томонидан тасдиқланади.
4.Буюртмачи Пудратчи дан бажарилган ишларни миқдори ва сифатини текшириб қабул қилиб олади. Бажарилган иш сифати проект-смета хужжатларига тўғри келмаса Пудратчи камчиликларни ўз хисобидан бартараф этади.

**III.Пудратчининг мажбуриятлари**

1.Барча ишларни мазкур шартномада наъзарда тутилган хажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва жалб қилинган кучлар билан бажариш хамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топширади.
2.Буюртмачини пудрат шартномалари тузилиши давомда субпудратчилар билан шартномалар тузилиши ва шартнома мавзуси, субпудратчининг ном ва манзили тўғрисида хабардор қилиши.
3.Қурилиш вақтида техника хавфсизлигини, ишларни бажариш вақтида атроф мухитни, ўтқазилган дарахтни ва ер участкани мухофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш.
4.Мазкур шартномада наъзарда тутилган барча мажбуриятларни тўлик хажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.
5.Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг тўлик ўз кучи билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши хамда объектнинг фойдаланишга тайёр холда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлик мулкий жавоб беради.
6.Таъмирлаш давомида лойиха смета хужжатларида хисобга олинмай қолиб кетган ишларни ва тўла муносабат билан қўшимча ишларни бажариш ва қурилишнинг смета қийматини ошириш зарурлигини аниқласа бу тўғрисида Буюртмачига ёзма равишда хабар беради.

**IV.Буюртмачининг мажбуриятлари**

1.Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини наъзорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларини қабул қилиб олиш.
2.Мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 2 ой давомида Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур ижро хужжатлари рўйхатини тақдим этиши.

Кўриб чиқган юрист: DAVRANOV IQBOLJON FAZLIDDINOVICH. Ҳужжат рақами: GF4718226438

3.Мазкур шартномада наъзарда тутилган мажбуриятларни тўлик хажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

## V.Тўловлар ва хисоб-китоблар

1.Шартноманинг тузилаётган вақтдаги умумий суммаси **215 000 000 (икки юз ўн беш миллион) сўм** этиб белгиланди. Ушбу сумма танлов / тендер савдолари натижасида аниқланган қатъий сумма хисобланиб, амалдаги бозор нархларининг ўзгаришига ёки иш хақи тўловларининг ошишига боғлик равишда ўзгармайди.
2. Буюртмачи Пудратчига шартнома имзолангандан сўнг 30 фоиз микдорида аванс ўтказади,бу эса **64 500 000 (олтмиш тўрт миллион беш юз минг)** сўмни ташкил қилади. Қолган тўловлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасида имзоланган далолатнома (Ф-2, Ф-3) ларга асосан 15 кун мобайнида Буюртмачи томонидан амалга оширилади.
3.Ҳисоб – китоб шакли: Пудратчининг банкдаги ҳисоб рақамига пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.
4.Шартнома бўйича Пудратчи таъмирлаш ишларини **«24» июнь 2022 йилдан бошлаб «24» июль 2022** йилгача тўлиқ бажаради. Пудратчи таъмирлаш ишларини муддатидан олдин бажариш хуқуқига. Бундай холатда узил-кесил хисоб-китоблар амалдаги қонунчиликда ва ушбу шартномада кўрсатилган тартибда амалга оширилади.
5. Пудратчи объект топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк хуқуқини ўзида саклаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилинган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб бажармаган тақдирда Пудратчи бу хақида қонун хужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачининг ёзма равишда хабардор қилиш керак.

## VI.Томонларнинг мулкий жавобгарлиги

1.Пудратчи объектнинг ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбурятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган хар бир кун учун мажбурятларни бажарилмаган қисмининг 0,5 фоиз миқдорида пеня тўлайди. Бироқ бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.
2.Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган хар бир кун учун мажбурятларни бажарилмаган қисмининг 0,4 фоиз миқдорида пеня тўлайди. Бироқ бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.
3.Пеня тўлаш Пудратчини ишларнинг бажарилишнинг ёки хизматлар курсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

## VII. Низоларни ҳал этиш тартиби

1.Шартномани бажаришда ва бекор қилишда, шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар хал этаолмаса улар қонун хужжатларида белгиланган тартибда иқтисодий суди томонидан кўриб чиқилади.

## VIII. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) холатлари

1.Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлик бажарилмаслиги табиат ходисалари туфайли ва бошқа енгиб бўлмайдиган кучлар натижасида келиб чиқса ва агар бу холатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса томонлар бунда тўлик ёки қисман бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.
2.Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч холатлари амал қилган. Шунингдек ушбу холатлар юзага келтирган вақтга мутоносиб равишда узайтирилади.
3.Агар енгиб бўлмайдиган куч холатлар ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан куп вақтга чўзилса у холда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар курилишини мухокама қиладилар.

IJRO.GOV.UZ тизими орқали ЭРИ билан тасдиқланган, Ҳужжат коди: ZU31543442

## IX.Шартномани бекор қилиш

1.Буюртмачи ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган холда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда
2.Қонун хужжатларига мувофиқ бошка асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш хуқуқига эга
3.Пудратчи томонидан шартнома шартлари тозалаш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда .
4.Объектда таъмирлаш ишлари Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кура Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда.
5.Буюртмачи томонидан молиялаштириш тўхтатиб қўйилганда қонун хужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш хуқуқига эга.
6.Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қоидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.
7.Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йул қўйилмайди, қонун хужжатларида тутилган холлар бундан мустасно.

## X.Алохида шартлар

1.Мазкур шартнома имзолангандан кейин мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасида барса олдинги ёзма ва битимлар,ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучин йўқотади.
2.Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алохида қисмларига тегишли иш хужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари. Бирон бир учинчи томонга сотиш ёки бериш хуқуқига эга эмас.
3.Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолаган бўлса, хакикий хисобланади.
4.Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча холлар учун амалдаги қонун нормалари қўлланилади.
5.Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга булган 2 нусхада тузилди.
6.Шартнома томонлар имзоланиб, Ғазначилик бўлинмасида рўйхатдан ўтгандан сўнг кучга киради. Амал қилиш муддати 31 декабр 2022 йилгача.

| «ПУДРАТЧИ» | «БУЮРТМАЧИ» |
|---|---|
| **“Уйчи Бунёдкор Қурилиш Дизайн” МЧЖ**<br>**Манзил: Уйчи тумани Мустақиллик МФЙ**<br>**Семург кўча № 3-уй**<br>**х/р: 2020 8000 4048 8846 8001**<br>**СТИР: 301 830 106**<br>**“ТИФ Миллий банки” Уйчи филиали**<br>**МФО: 00877**<br>**ХХТУТ: 61110**<br>**Тел: (69) 482-57-48**<br><br>**Рахбар: ______________ Р.Расулов**<br><br>**М.У** | **Уйчи туман халқ таълими бўлими**<br>**Манзил: Уйчи туман Беруний кўчаси 60-уй**<br>**Ш.Х.В 401722860142297092100075012**<br>ИНН: 200 099 575 ОКОНХ: 97600<br>**Уз Рес Молия Вазазирлиги Газначилиги**<br>**Газна х/р 23402000300100001010**<br>**«Марказий Банк Тошкент ХККМ»**<br>**МФО:00014. ИНН 201122919**<br><br>**ХТБ мудири _______ М.Мўминов**<br><br>**М.У** |

UYCHI BUNYODKOR QURILISH DIZAYN

IJRO.GOV.UZ тизими орқали ЭРИ билан тасдиқланган, Ҳужжат коди: GF4718226438

# YURIDIK AXAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

№- ZU31543442

**1. Loyihaning turi:** Shartnoma.

**2. Loyihaning nomi:**
Isitish tizimini mukammal ta'mirlash ishlarini bajarish bo'yicha 2-sonli pudrat shartnomasi

**3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqida malumot:**
Uychi tuman Xalq ta`limi bo`limi tomonidan ishlab chiqilgan va 2022 yil 24 iyun kuni mazkur dasturga kiritilgan.

**Xulosa:** 2-sonli pudrat shartnomasi loyihasi amaldagi qonun xujjatlariga, qonunchilik texnikasi qoidalariga muvofiq ishlab chiqilgan. Havola qilingan normalarning qo'llanilishi asosli va maqsadga muvofiq, shuningdek, loyihada korrupsiyaga sabab bo'ladigan omillar mavjud emas. Shu sababdan ushbu shartnoma loyihasini qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Hujjatni qabul qilishga asos:**

-O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik Kodeksining 364-366, 666, 668, 673, 676-moddalari;

-O'zbekiston Respublikasining 2021 yil 22 apreldagi "Davlat xaridlari to'g'risida"gi 684-sonli qonuni,

-Tuman XTB Tanlov komissiyasining 2022 yil 17 iyundagi g'olibni aniqlash bo'yicha yigilish bayoni.

- Yuridik shaxsni davlat ro`yxatidan o`tganligi to`grisida guvohnoma.

**Markaz bosh yuriskonsulti:** **I.Davranov**

2022 yil «24» iyun

"ТАСДИҚЛАЙМАН"
Халқ депутатлари туман
Кенгаши раиси
_____________ Ш.Мусаев

**Наманган вилояти Уйчи тумани бўйича 2022 йил 1-чоракда жамоатчилик фикри асосида шаклланган тадбирларни молиялаштириш бўйича**
**МАНЗИЛЛИ РЎЙХАТ**

| № | Ғолиб таклиф маълумотлари | | | Амалга оширишнинг аниқланган қиймати (минг сўмда) | Ҳақиқатда ажратилган (минг сўмда) | Молиялаштириш манбааси (ФТЖ, қўшимча манбаа, бюджет параметри) | Буюртмачи ташкилот |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | Таклиф ID рақами | Қисқача мазмуни | Тўплаган овозлари сони | | | | |
| "Фуқаролар ташаббуси жамғармаси"да шаклланган маблағ | | | | 6 741 000 | | х | х |
| | | | | | | | |
| 1 | 0890400003 | Уйчи туман 26-умумтаьлим мактаби жорий иситиш тизимини, марказлашган экологик хавфсиз ва кам харж булган иситиш тизимига узгартириш | 3 363 | 986 000 | 986 000 | Фуқаролар ташаббуси жамғармаси | Туман халқ таълими бўлими |
| 2 | 0890400154 | Уйчи туман 5-умумтаьлим мактаби информатика хонаси учун замонавий компютерлар ва қўшимча жихозлар сотиб олиш | 3 140 | 350 000 | 350 000 | Фуқаролар ташаббуси жамғармаси | Туман халқ таълими бўлими |
| 3 | 0890400045 | Наманган вилояти Уйчи туманидаги 37-сонли умумий ўрта таълим мактабида ўқитувчи ва ўқувчиларнинг овқатланиши учун шарт-шароитлар мавжуд эмаслиги сабабли ошхона ташкил этиш | 2 225 | 900 000 | 900 000 | Фуқаролар ташаббуси жамғармаси | Туман халқ таълими бўлими |
| 4 | 0890400140 | Уйчи Ахборот-кутубхона маркази биносини жорий таъмирлаш ва замонавий қиёфага келтириш | 1 612 | 500 000 | 500 000 | Фуқаролар ташаббуси жамғармаси | Туман Ахборот-кутубхона маркази |
| 5 | 0890400159 | Уйчи туман Янгичек МФЙ Мустақиллик кучасини асфалтлаш | 1 367 | 150 000 | 150 000 | Фуқаролар ташаббуси жамғармаси | Туман ободонлаштириш бўлими |
| 6 | 0890400148 | Уйчи тумани Қумтепа МФЙ Ҳ.Қирғизов кўчасида электр симёғочлар йўқ, токни одамлар томма-том олиб ўтиб кетган. Бу хавфли. Кўчани асфльтлаш зарур, қишда лой, ёзда чанг. Газлаштириш керак. Қишда одамлар қийналмоқда | 1 346 | 750 000 | 500 000 | Фуқаролар ташаббуси жамғармаси | Туман ободонлаштириш бўлими |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 7 | 0890400051 | Биккер чукур куриш ишлари. 1. 374 метр кисмига (еврозабор) девор кургон айлантириш. 2. Дарвоза куриш. 3. 3х4 метрлик коровулхона куриш. 4. 3х5 метрлик епик айвон куриш. 5. 2х3 метрлик хаммом (душхона) куриш. 6. 1 км ердан электор токи тортиб келиш (11 та бетон сталба кетади) | 1 030 | 380 000 | 380 000 | Фуқаролар ташаббуси жамғармаси | Туман ободонлаштириш бўлими |
| 8 | 0890400328 | Уйчи туман Деҳқонобод МФЙ га 2-типдаги спорт комплекси қуриш | 934 | 50 000 | 565 000 | Фуқаролар ташаббуси жамғармаси | Туман маҳалла ва оилани қўллаб кувватлаш бўлими |
| 9 | 0890400002 | Уйчи тумани Истиклол МФЙ Янгийул кучасини асфальтлаш | 931 | 675 000 | 675 000 | Фуқаролар ташаббуси жамғармаси | Туман ободонлаштириш бўлими |
| 10 | 0890400225 | Уйчи туман Унхаят МФЙ худудида жойлашган Машхад кабристонининг 300 метр кисмини деворларини янгилаш хамда темир дарвоза урнатиш | 929 | 250 000 | 413 000 | Фуқаролар ташаббуси жамғармаси | Туман ободонлаштириш бўлими |
| 11 | 0890400061 | Наманган вилояти Уйчи туманидаги 41-сонли умумий ўрта таълим мактабида ўқитувчи ва ўқувчиларнинг овқатланиши учун шарт-шароитлар мавжуд эмаслиги сабабли ошхона ташкил этиш | 855 | 950 000 | 950 000 | Фуқаролар ташаббуси жамғармаси | Туман халқ таълими бўлими |
| 12 | 0890400100 | Уйчи туман 10-умумтаълим мактаби жорий иситиш тизимини янгилаш | 831 | 500 000 | 500 000 | Фуқаролар ташаббуси жамғармаси | Туман халқ таълими бўлими |
| 13 | 0890400111 | Уйчи тумани Ёркўрғон қишлоғи Октош МФЙ Ифтихор кўчасини асфальтлаш | 814 | 300 000 | 300 000 | Фуқаролар ташаббуси жамғармаси | Туман ободонлаштириш бўлими |

Туман ҳокимининг 1-ўринбосари — Д.Нурматов

Туман ҳокимлиги молия бўлими мудири 1-ўринбосари — А.Маҳмудов

Туман маҳалла ва оилани қўллаб қуватлаш бўлими бошлиғи — И.Валиханов

Туман Ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи — А.Раҳматулла

Туман Халқ таълими мудири — М.Мўминов

Туман Ахборот-кутубхона маркази бошлиғи — Х.Жўраева

# **М У Х О К А М А  А Х Б О Р О Т И**

« 24 » июнь 2022 йил                                                                                    Уйчи тумани

Наманган вилояти худудидаги Уйчи туман ХТБ ташкилоти томонидан 2022 йил «24» июндаги 22110012103040 сонли лотга асосан Ўзбекистон республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги 684-сонли “Давлат харидлари тўғриси”даги қонуни 56 ва 58 – моддалари талабларидан келиб чиқиб энг яхши таклифларни танлаш тури бўйича Уйчи туман ХТБга қарашли 10-мактабда иситиш тизмиини мукаммал таьмирлаш ишлари учун харидлар амалга оширилиши режалаштирилган. Шунга асосан белгиланган муддатлар асосида Ўзбекистон республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги 684-сонли “Давлат харидлари тўғриси”даги қонуни – 60 ва 61 моддалари талабларидан келиб чиқиб танлов савдолари ўтказилди. Мазкур танлов савдолари якуни бўйича “Уйчи Бунёдкор Қурилиш Дизайн” МЧЖ томонидан берилган таклифлар комиссия аъзолари иштирокидан энг мақбули деб топилди. Ушбу танлов жараёнлари бўйича расмийлаштирилган баённомалар “Давлат харидлари тўғриси”даги қонуни 62 моддасига асосан давлат буюртмачиси томонидан у расмийлаштирилган кунда давлат харидларининг электрон тизимига муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди. Шунга асосан икки иш куни ичида танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар келиб тушмади. Юқоридаги холатлардан келиб чиқиб, давлат буюртмачиси ва харид комиссияси томонидан ғолиб деб топилган иштирокчи ўртасида шартнома тузилиши мумкин хисобланиши белгилаб олинди. Муҳокама учун белгиланган муддат тугаганидан кейин келиб тушган эътирозлар харид комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.

**Давлат буюртмачи ташкилоти раҳбари** — **М.Мўминов**

**Давлат буюртмачи ташкилоти бош хисобчиси** — **О.Махкамов**

Давлат харидлари ва шартномалар бўйича мутахассис: — Ш.Б.Мамажонов